

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ УЛУҒБЕК ҚАМАРБЕКОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD) in
Economics Sciences**

Ахмедов Улуғбек Қамарбекович

Қишлоқ жойларида уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини
етиштириш фаолиятини ривожлантириш.....3

Ахмедов Улуғбек Қамарбекович

Развитие деятельности домашних хозяйств по производству
сельскохозяйственной продукции в сельской местности.....23

Ahmedov Ulugbek Kamarbekovich

Development of production of agricultural products by households in rural
areas.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ УЛУҒБЕК ҚАМАРБЕКОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №:B2017.2.PhD/iqt89 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сайтида (www.tiame.uz) ва «Ziyonet» ахборот-илмий порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Беркинов Бозорбой Беркинович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдурашид Мажидович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Жумаев Отабек Толибович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув
Хўжалигивазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39- уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

У.П. Умурзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Ф. Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Н.С. Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида уй хўжаликлари муҳим ўрин тутди. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини ишлаб чиқаради, давлат ва жамият ривожига катта таъсир кўрсатади. Европа давлатлари ЯММ 40-50 фоизи, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгача, Латин Америкасида 70 фоизга яқини, АҚШ иқтисодиётида эса 95 фоиздан кўпроғи оилавий тадбиркорлик улушига тўғри келади¹. Ушбу жиҳатларни эътиборга олганда мамлакатимиз уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада ривожлантириш муҳим вазифалар қаторига киради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида уй хўжаликларининг мақсад ва вазифалари тубдан ўзгарди, салоҳияти мустаҳкамланди ва ривожланиши барқарорлашди. Хусусан, мамлакат бўйича уй хўжаликларининг сони, оилалар даромадлари кескин кўпайди, уларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожланиши жадаллашди ва қишлоқ аҳолиси бандлиги ошди. Бироқ, қишлоқда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб бориш, энг асосийси тизимда бозор механизмларини жорий этиш учун мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу сабабдан ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² белгиланган вазифаларга мос равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада кўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш каби масалалар устувор вазифа қилиб бергилаб олинди³. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши қишлоқ жойларида уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш фаолиятини ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Глобал табиий-иқлим шароити ўзгариши, жаҳон аҳолисининг ўсиб бориши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги рақобатнинг кучайиши шароитида қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий хавфсизлиги тизимини яратиш, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми сифатида қишлоқ жойларда уй

¹ Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательство: анализ российской практики //Российский внешнеэкономический вестник. Мировая экономика. №9, 2011. С.17-20.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони, 1-ИЛОВА ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

³ Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5199-сонли Фармони. 2017 йил 9 октябрь.

хўжаликлари таркибида деҳқон хўжаликлари ривожланишини рағбатлантириш ва оила тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш институтлари ҳамда механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш долзарб масалага айланиб бормокда.

Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида ва Ўзбекистон Президентининг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 10 октябрдаги қарорида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш йўналишларида қўйилган устувор вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг «I-Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётнинг алоҳида сектори сифатида уй хўжаликлари фаолиятини юритиш муаммолари хорижий тадқиқотчилардан Г. Беккер, Р. Барр, И. Баскакова, В. Жеребин, А. Олейник, Т. Лаврова, В.Д. Камаев, Е.В. Колдеева ва бошқалар ўрганган⁴. Уй хўжалиги ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожланиши муаммолари В. Милосердов, А.В. Чаянов, Г.И. Шмелев, В. Копач, В. Казарезов, А. Рассказов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган⁵.

Оила даромади ва харажатлари, бюджети ва улар шаклланишида уй хўжаликлари аъзоларининг ўрни ва роли масалаларига В. Жеребин,

⁴ Беккер Г.С. Инсоннинг хатти-ҳаракати: иқтисодий ёндашув. //США: ЭПИ, 1994, 99-107 б. Барр Р. Политическая экономия. В 2-х т. Т. 1. – М.: Международные отношения, 1994. – ISBN 5-7133-0850-2. Баскакова И.В. Функции домашних хозяйств и их реализация в условиях трансформируемой экономики. Диссертация на соиск. ученой степени к.э.н., – Екатеринбург. 1997. – 177 с. Жеребин В., Романов А. Экономика домашних хозяйств. – М.: Финансы /ЮНИТИ, 1998. – С. 25. Олейник А. Институциональная экономика: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 704 с. Лаврова Т.В. Домашнее хозяйство в воспроизводственном процессе экономической системы. Диссертация на соиск. ученой степени к.э.н., -Воронеж. 2008. – 187 с. Камаев В.Д. Учебник по основам экономической теории. – М.: Гуманит. изд. центр «ВЛАДОС», 1994. – 640 с. Колдеева Е.В. Институциональные основы экономических отношений в сфере домашних хозяйств и изменение их роли как субъекта хозяйствования. – Ярославль: диссертация на соискание учёной степени кандидат экономических наук. 2005. – 161с.

⁵ Милосердов В.В. Судьба российского крестьянства. КнигаII. – Казань: Редакционно-издательский центр, 2011. – 372 с. Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство: избранные труды// Ред. кол.сер.: Л.И. Абалкин и др. – М.: Экономика, 1989. – С. 62, 100. Шмелев Г.И. Производство сельскохозяйственных продуктов населением России. – М., 2002. – с.108-111. Копач К.В. Личное подсобное хозяйство сельского населения и его интеграция с общественным производством. – М.: Агропрогресс, 2000. – 280 с. Казарезов В.В., Рассказов А.Н. Личные подсобные хозяйства в прошлом и в настоящем. – М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2002 – 172 с. Рассказов А. Поддержка личных подсобных хозяйств населения. //Международный сельскохозяйственный журнал. – М., 2003. № 4. – С.3-8.

Е. Петухова, Е.В. Куликова ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган⁶. Уй хўжалигини институционал ривожлантириш муаммоларига Т. Веблен, Дж. Гэлбрейт, Д. Норт ва бошқа хорижий тадқиқотчилар илмий ишлари бағишланган⁷.

Ўзбекистонда макродаражада уй хўжаликлари миллий ҳисоблар тизими доирасида иқтисодиётнинг алоҳида секторини ташкил этувчи статистик бирлик (ташкилот) сифатида М. Шарифхўжаев, А. Абдуллаев, Б. Беркинов, А. Ваҳобов, Б. Маҳмудов, Ё. Файзуллаев, Б.К. Ғойибназаров ва бошқалар томонидан ўрганилган⁸. Микродаражада уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш (деҳқон хўжаликлари) ва молиявий функциялари ҳамда оила тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш, янги аграр муносабатлар муаммолари У. Умурзоқов, Қ. Чориев, Н. Хушматов, Б. Султанов, Р. Хусанов, М. Қосимов, А. Абдусаматов, Р. Саидов ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган⁹.

Шу билан бир вақтда, уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс катта бўлишига қарамай, улар фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар доираси жуда тор. Шуларни инобатга олганда қишлоқ жойлари уй хўжаликлари фаолияти самарадорлиги ва ривожланишининг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари салоҳиятини қишлоқ хўжалиги ривожланишига жалб этиш йўллари асослаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

⁶ Жеребин В., Романов А. Экономика домашних хозяйств. – М.: Финансы/ЮНИТИ, 1998, – С. 25. Петухова Е.П. Совершенствование механизма регулирования домашнего хозяйства в современной экономике России. Автореферат дисс. К.э.н., Брянск, 2004. – 24 с. Куликова Е.В., Левит С.Р., Сбытова А.С. Доходы домашних хозяйств: показатели, методология, расчеты, источники информации. – М.: Госкомстат РФ, 1995. – 206 с.

⁷ Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: Прогресс, 1987. Гэлбрейт Дж.К. Экономические теории и цели общества. – М.: Прогресс, 1976. Норт Д. Институты, институциональные изменения в функционировании экономики. – М.: Фонд экономической книги «Начало», 1997. – С. 6.

⁸ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё., Додобоев Ю.Т. Миллий ҳисоблар ва иқтисодий баланслар: ўқув қўлланма. – Т., 2003. – 103 б. Абдуллаев А., Умаров Н. Миллий ҳисоблар тизими ва макроиқтисодий кўрсаткичлар статистикаси. – Т.: Молия, 2001. – 92 б. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 221б. Ваҳобов А., Саидов Р. Республика хонадонларининг инвестициявий ресурслари. //Бозор, пул ва кредит, -Т., 2005. - № 10. – 54-57 б. Mahmudov B.M. Milliy hisoblar tizimi. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 323 б. Файзуллаев Ё.Ш. Стратегия повышения благосостояния населения. – Т.: ПРСОН, ЦЭИ, 2007. Ғойибназаров Б.К. Проблемы формирования сектора домашнего хозяйства и их решение в рамках системы национального счетоводства Узбекистана. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 1997. – 24 б.

⁹ Умурзаков У.П., Чориев К.А. Организационно-экономические и правовые основы реструктуризации сельскохозяйственных предприятий на переходном этапе. – Т.: Мехнат, 1998. – 56 с. Хушматов Н.С. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 1994. –22 б. Султанов Б.Ф. Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришда молиявий жамғармаларнинг аҳамияти. //Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти. Илмий амалий муаммолар бюллетени. Аграр иқтисодиёт. 3-4/ 2005, – 28 б. Хусанов Р.Х., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юриштирининг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 104 б. Қосимов М.Ч. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т., 2000. – 23 б. Абсаматов А. Минтақада деҳқон хўжаликларини ривожлантириш масалалари. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т., 2000. 4-сон. Ваҳобов А., Саидов Р. Республика хонадонларининг инвестициявий ресурслари. //Бозор, пул ва кредит. – Т., 2005. - № 10. – 54-57 б.

Ушбу ҳолатлар мазкур диссертация мавзусини танлашга, мақсади ҳамда тадқиқот вазифалари доирасини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Сув хўжалиги иқтисодиёти” кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ жойларда уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожланишини рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодиёт субъекти сифатида уй хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

оила ва уй хўжалигининг инсон капиталини асраш, ундан фойдаланиш ва ривожлантиришдаги функцияларини асослаш;

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида уй хўжаликлари ўрни ва ривожланиш тенденцияларини, шунингдек, даромадлари, харажатлари ҳамда жамғармалари ўзгариш динамикасини баҳолаш;

аҳоли зич яшовчи ҳудудда қишлоқ деҳқон хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадларини ошириш истиқболларини асослаш;

қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган уй хўжаликлари аграр соҳа маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий асослари ва самарадорлигини баҳолаш;

қишлоқ уй хўжаликларининг давлат ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмалари билан иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни асослаш;

қишлоқ уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва оила тадбиркорлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожланишини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи уй хўжаликлари субъектлари танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Андижон вилоятида ўтказилган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ жойларда аҳоли уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти, улар ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш институтлари ва механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил усуллари, уй хўжаликлари фаолиятида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни кўриб чиқувчи диалектик ёндашув, иқтисодий-статистик ва анкета сўрови, шунингдек, эконометрик моделлаштириш ва прогностлаш, мантиқий ва сабаб-оқибат таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳоли зич яшовчи ҳудудларда уй хўжаликларида ер ресурсларидан йил давомида оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи экинларни экиш орқали хўжалик фаолиятини ривожлантириш ва даромадларини ошириш йўллари асосланган;

уй хўжаликлари билан инфратузилма муассасалари ўртасида фьючерс шартномалари асосида иқтисодий муносабатларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ресурслар билан таъминлаш ва қайта ишлаш соҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

уй хўжаликларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг прогноз вариантларини ишлаб чиқиш асосида уни таъминлаш йўллари ва аҳоли истеъмолидан ортиқча маҳсулотларни экспорт қилиш ҳисобига унинг ҳажмини ошириш имкониятлари асослаб берилган;

уй хўжаликларида ноқишлоқ хўжалиги фаолиятини (кичик цех, маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш қурилмалари) ташкил этишни молиявий қўллаб-қувватлаш (имтиёзли кредитлар) йўллари кенгайтириш, шунингдек, мулк жавобгарлик (субсидия) тамойилларига ўтиш асосида хўжалик манфаатларини ҳимоя қилиш ва жавобгарлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бозор шароитида қишлоқ жойлари уй хўжалиklarининг даромадлари ва харажатлари шаклланишининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

уй хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги фаолиятини истиқболда ривожланишининг эконометрик моделлари мажмуаси ишлаб чиқилган;

туман қишлоқлари уй хўжалиklarига хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш, мулк ҳуқуқини ҳимоялаш ҳамда бозор инфратузилмаларини янада ривожлантириш йўллари таклиф этилган;

уй хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талаблари ва истеъмол даражаларини ҳисобга олиб прогнозлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан мавзуга оид хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари олиб борган илмий-назарий, методологик тадқиқотлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари нормалари таҳлили, статистик маълумотларни таққослаш, эконометрик моделлаштириш ва компьютер ҳисоб-китоблари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги орқали асосланган ва улар ишончлидир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бозор иқтисодиёти субъекти сифатида уй хўжаликлари ривожланиш қонуниятлари тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтиради, оила тадбиркорлиги, деҳқон хўжалигини юритишда оила

аъзоларини ўзини-ўзи иш билан банд қилишда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот хулосалари ва натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ уй хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи институционал нормаларни такомиллаштиришда, қишлоқ ҳудудларида уй хўжаликлари ривожланишининг прогноз вариантлари лойиҳаларини тайёрлашда, деҳқон хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда, туманлар ҳокимияти органларининг ҳудуд даражасида уй хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш, инфратузилма ташкилотларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот материалларидан “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Институционал иқтисодиёт” фанларини ўқитишда ҳамда улар ўқув дастурларини такомиллаштириш, кейс-стадилар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ жойларида уй хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш фаолиятини ривожлантириш юзасидан:

аҳоли зич яшовчи ҳудудларда уй хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва даромадларини ошириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (2017 йил 20 сентябрдаги № 03/15-4855 сонли маълумотнома) амалиётга жорий этилган. Мазкур таклифлар доирасида уй хўжалиklarида қорамол, қўй ва паррандалар парвариши учун қўшимча имкониятлар яратиш, шунингдек такрорий экинлар экиш ва бир йилда камида икки марта ҳосил олиш ҳисобига битта деҳқон хўжалиги даромади ўртача 4,1 млн. сўмни ташкил қилган;

қишлоқ жойларидаги уй хўжалиklarининг хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасалари билан ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (2017 йил 20 сентябрдаги № 03/15-4855 сонли маълумотнома) амалиётга жорий этилган. Мазкур таклифларни амалиётга жорий этиш натижасида уй хўжалиklarига минерал ўғит ва кимёвий препаратлар ҳамда суғориш суви етказиб бериш ҳажми кўпайди, уларда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги каналлари очилиши ҳисобига экспорт ҳажмини 5-7 фоизга ошириш имконияти яратилди;

уй хўжалиklarида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб бериш учун фьючерс шартномалари тузиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун кичик кредитлар бериш йўллари кенгайтириш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан (2017 йил 20 сентябрдаги № 03/15-4855 сонли маълумотнома) амалиётга жорий этилган. Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши деҳқон хўжалиklarида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини давлат хариди

ва қайта ишлаш эҳтиёжлари учун харид қилиш шартномалари умумий қийматининг 7-9 фоизга ошишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференциялари ва семинарларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Муаллиф томонидан тадқиқот натижаларидан фойдаланиб республика ва халқаро илмий анжуманларда, илмий журналлар ва тўпламларда ҳамда даврий матбуотда 27 та илмий иш, шу жумладан 9 та маҳаллий ва 4 та хорижий журналда мақолалар, 1 та монография, 1 та илмий рисола ва 12 та маъруза тезиси чоп этилди.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 бет, унда 28 та жадвал, 7 та расм мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғланганлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Уй хўжаликлари фаолияти ва ривожланишининг илмий-услубий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида уй хўжалиги тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг турлари ва моделлари, инсон капиталини ривожлантиришда бажарадиган функциялари таҳлил қилинган, уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фаолиятида оила даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Илмий манбалар таҳлилига кўра, уй хўжалиги тушунчасининг ҳозиргача ягона таърифи мавжуд эмас. Тадқиқотчилар уй хўжалиги моҳиятининг энг дастлабки тушунчалари ва унинг функцияларини бош асос қилиб олган ҳолда, ўз таърифларини берганлар¹⁰. Бироқ турли вақтларда, турли шароитларда ва турли вазифаларни ҳал этишда берилган таърифлар

¹⁰ [56] Макконелл С.Р., Брю С.Д. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – М.: Республика, – 1992. т. 2, – 396 с; [64] Олейник А. Институциональная экономика: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 704 с; [97] Бойчук Н.И., Корнеева Е.С. Домашние хозяйства как сектор экономики. //Вологдинские чтения. – 2005. – № 54-2. – С. 27-29. lib.usue.ru/text/bul2/bul310.htm; [99] Winter M., Morris E. Family Resource & Family Business: Coming Together // Theory and Research, working paper. Ames: Iowa State University, Iowa Agriculture and Home Economics Experiment Station, 1996. P.2; [76] Чайнов А.В. Избранные произведения: научное издание. Сост. Е.В. Серова. – М.: Моск. рабочий, 1989. – С 39 -40; [75] Хусанов Р.Х., Қосимов М. Дехқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 104 б.

турли маъно ва талқинга эга бўлган. Шу нуқтаи назардан уй хўжалиги тушунчасининг турлича таърифларда изоҳланиши, ушбу категория ижтимоий-иқтисодий моҳиятининг аста-секин вужудга келиши ва шаклланишининг мантиғини акс эттиради.

Кўп ҳолларда уй хўжаликлари функциялари “оила” функциялари билан тенглаштирилиб, “оила хўжаликлари” ёки “деҳқон хўжаликлари”, “шахсий томорқа хўжаликлари” сифатида ўрганилган. Шу нуқтаи назардан бозор иқтисодиётида уй хўжалигининг асосий моҳиятини ва функцияларини ўрганиш ҳамда уни оила билан боғлиқлигини билиш муҳим ҳисобланади.

Уй хўжалиги таърифи муайян ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ бўлиб, мамлакатлар бўйича фарқ қилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) комиссиясининг тавсияларига кўра (1981 й.), уй хўжалиги тушунчаси унинг доирасида алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳлари ўзини озиқ-овқат ва турмуш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган турмуш тарзига асосланган. Масалан, АҚШ, Швеция, Швейцария ва бошқа мамлакатларда алоҳида турар жойни эгаллаган шахс ёки шахслар гуруҳи (жамоа) уй хўжалиги ҳисобланади. Жамоавий уй хўжалиги тушунчаси муассасаларда доимий ёки узоқ вақт мобайнида истиқомат қилувчи шахсларга нисбатан қўлланилади.

Шу боис хорижий мамлакатларда уй хўжаликлари оилавий, оиладан ташқари ва жамоавий (шахслар гуруҳи) турлари ажратилади. Ўзбекистондаги расмий қоидалар, ер тақсимооти, оилаларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олганда уй хўжаликлари оилавий ва оиладан ташқари (якка шахс) турларига бўлиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги иқтисодий шароитда «уй хўжалиги» ва «оила» тушунчалари бир-бирига жуда яқин. Муаллиф тадқиқотлари шуни кўрсатадики аксарият ҳолатларда «уй хўжалиги» атамаси «оила» тушунчаси билан қўшилиб кетган ёки ўзаро тўлдириш ёхуд ҳатто ўзаро ўрин босиш муносабатларига эга. Оила учун қариндошчилик, никоҳ ҳамда ижтимоий функцияларни таъминлаш каби белгилар асосий ҳисобланади. Аммо улар оилани уй хўжалиги каби эътироф этиш учун етарли эмас. Уй хўжалиги ҳам биргаликда ҳаёт кечириш, биргаликда хўжалик юритиш, умумий бюджет ва никоҳ-қариндошлик алоқалари каби асосий белгилар билан тавсифланади. Хулоса шуки, “уй хўжалиги” ва “оила”нинг ўзига хос белгилари кўпинча мос келади, аммо оила уй хўжалигининг негизи ҳисобланади. Бу оила билан уй хўжалиги ўртасидаги узвий боғлиқлик мавжудлигидан, шунингдек уй хўжалиги ҳамда оиланинг ўзига хос функцияларини тўлдиришидан, улар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирига таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Шуни ҳисобга олганда оиланинг асосий мақсад функциясини – инсонни дунёга келтириш ва вояга етказиш, уй хўжалигиникини эса – инсон капиталини асраш ва такрор тиклаш учун моддий асос яратиш, деб белгилаш мумкин. Ушбу тавсифлардан келиб чиқиб биз диссертацияда оила ва уй хўжаликлари таркибий тузилиши, уларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий функцияларини асосладик (1-расм).

Шундай қилиб, уй хўжалигига юқорида тавсифланган иқтисодий категория сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин. “Уй хўжалиги – бу инсон капиталини такрор тиклаш ва уни амалга оширишнинг асосий ижтимоий-иқтисодий бирлиги, якка ёки биргаликда яшовчи ва биргаликда хўжалик юритувчи оила аъзолари томонидан таъминланадиган яхлит ҳаёт фаолияти тизими ҳисобланади.



1-расм. Оила ва уй хўжалигининг таркибий тузилиши ва функциялари¹¹

Уй хўжалиги бозорга молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини таклиф этувчи ҳамда истеъмол товарлари бозорида ўз талаблари билан иштирок этувчи бозор иқтисодиётининг давлат ва корхоналар билан бир қаторда субъекти ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, хорижий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар таҳлилидан келиб чиқиб, муаллиф қишлоқ жойларида уй хўжалигининг инсон капиталини сақлаш функцияларини бажариш билан боғлиқ вазифаларни асослаган ва улар таркибан уч қисмга ажратилган.

Биринчиси, оила бюджетини шакллантириш ва харажатларини қоплаш. Иккинчиси бола туғилиши, уни тарбиялаш, вояга етказиш ва ижтимоий вазифаларни бажариш ва учинчиси, оила бизнесини ҳамда қишлоқда деҳқон хўжалигини юритиш (ишлаб чиқариш) ва уй хўжалиги аъзоларининг бозор муносабатларида якка тартибда ёки корпоратив шаклда иштирок этиш вазифалари. Уй хўжалигининг ушбу функционал вазифаларини ҳаётда

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

амалга ошириш, бир томондан оила ҳамда унинг бошлиғига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан давлатнинг уй хўжалиklarини тартибга солиш, уларни қўллаб-қувватлаш тизимига ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, республика қишлоқ жойларида ҳозирги кунда (2016 й.) қарийб 3 млн. уй хўжалиги фаолият юритмоқда. Қишлоқ уй хўжалиklarининг ЯИМдаги фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 13,3 фоизни ташкил этади. Шу билан бир вақтда қишлоқ уй хўжалиklари аграр соҳа маҳсулотларининг 65 фоизидан кўпроғини ишлаб чиқаради.

Мамлакатимиз қишлоқ жойлари уй хўжалиklари таркибида фаолият юритаётган деҳқон хўжалиklarини майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалик сифатида асосан уч тоифага бўлиш мумкин: 1) фақат ўз оиласи истеъмоли учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик; 2) ишлаб чиқараётган маҳсулотларини оила истеъмолидан ортиқ қисмини бозорда сотувчи хўжалиklar; 3) ишлаб чиқараётган маҳсулотларини асосан бозорда сотувчи товар хўжалиklари. Охирги учинчи тоифага кирувчи уй хўжалиги таркибидаги деҳқон (томорқа) хўжалиklари республикада кейинги 15-17 йил ичида шаклланиб, улар сони бутун қишлоқ уй хўжалиklarининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этади.

Уй хўжалиklарида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланиши, улар маҳсулотларининг товарлилик даражаси ошишига олиб келди. Бу эса уларни хорижий мамлакатлардаги каби, фермер хўжалиги тоифасига ўтказиш учун асос бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда қишлоқ уй хўжалиklари ривожланиши кўптармоқли фермер хўжалиklари тараққиётига ҳам кўмаклашади. Уй хўжалиklarининг ушбу ўзига хос хусусиятлари уларда жамланган салоҳиятни бозор шароитида мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришга жалб этиш устувор вазифа ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ жойларда уй хўжалиklarининг ривожланиш тенденциялари”** деб номланган иккинчи бобида уй хўжалиklarининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётидаги ўрни ва ривожланиш тенденциялари баҳоланган, оила даромадларини кўпайтириш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари асосланган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида уй хўжалиklари муҳим ўрин тутди. Шу сабабли уй хўжалиklarини ривожлантириш мамлакат ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Натижада республикада уй хўжалиklари сони 2016 йилда 2005 йилга нисбатан – 22,6 фоизга ошди. Уй хўжалиklари улушига республикадаги жами ер майдонларининг 3 фоизи, қишлоқ хўжалиги ерларининг 3,2, ҳайдаладиган ерларнинг 10,5 фоизи тўғри келади. Республикада 2016 йилда доннинг 18, картошканинг 76, сабзавот маҳсулотларининг 76,1, меванинг 52,2, узумнинг 45,4 фоизи деҳқон хўжалиklарида ишлаб чиқарилган (1-жадвал).

Қишлоқ хўжалигидаги қора моллар сонининг 94,0 фоизидан кўпроғи, қўй ва эчкиларнинг қарийб 84 фоизи, паррандаларнинг 62,0 фоизи уй хўжалиklарида жойлашган. Республикада ўртача битта уй хўжалигига

(қишлоқ жойларида) 2,8 бош қорамол (шундан 1,4 боши соғин сигир), 5,6 бош кўй ва эчки, 14 бош парранда тўғри келади. Таҳлилларга кўра, уй хўжаликларида ердан фойдаланиш ҳамда деҳқон хўжалигини юритиш иқтисодий жиҳатдан бошқа тоифадаги хўжаликларга нисбатан самарали ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон уй хўжаликлари таркибида деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси, минг тонна¹²

Йиллар	Дон		Картошка		Сабзавот		Мева		Ўзум	
	минг тонна	%*	минг тонна	%*	минг тонна	%*	минг тонна	%*	минг тонна	%*
2005	1120,3	17,5	866,8	92,0	2715,5	77,2	617,0	65,0	332,0	51,8
2006	1178,4	18,0	898,5	88,0	2817,0	65,6	759,3	64,8	407,8	51,6
2007	1242,3	18,7	1004,7	84,5	3092,0	65,9	803,1	63,2	426,1	50,1
2008	1313,9	19,8	1166,8	83,4	3467,3	66,5	732,2	52,2	367,3	46,4
2009	1282,4	17,5	1235,9	81,1	3663,9	64,2	785,7	50,9	385,5	42,9
2010	1282,3	17,3	1345,3	79,5	4086,1	64,4	875,2	51,2	422,9	42,8
2011	1310,0	18,3	1449,3	79,4	4465,7	63,9	956,8	51,1	465,8	42,7
2012	1361,5	18,1	1552,8	75,5	4977,1	64,1	1065,2	51,9	522,1	43,3
2013	1410,0	18,1	1690,0	75,1	5421,7	63,6	1182,7	52,3	582,6	44,1
2014	1450,0	22,9	1850,0	75,5	5920,0	64,1	1350,7	54,2	653,0	45,3
2015	1641,3	20,4	2018,3	75,0	6842,4	67,6	1418,2	51,6	711,7	45,9
2016	1482,9	18,3	2251,5	76,1	7253,3	76,1	1586,2	52,2	788,8	45,4
2016 йил 2005 йилга нисбатан ўсиш, %	135,1	0,2 ф.б.	259,7	-16 ф.б.	267,1	-1,1 ф.б.	257,1	-12,8 ф.б.	237,6	-6,4 ф.б.

*Деҳқон хўжалиklarининг республика деҳқончилик маҳсулотларидаги улуши.

Маълумки, республикада Андижон вилояти аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Андижон вилояти иқтисодиётида саноат ишлаб чиқариши билан бирга қишлоқ хўжалиги алоҳида ўрин тутди. Вилоятда 2016 йилда 8798 та фермер хўжалиги ва 481995 та деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатган. Деҳқон хўжалиги сони 2016 йилда 2005 йилга нисбатан 18,5 фоизга ошган. Вилоят деҳқон хўжаликлари ихтиёрида 2016 йилда 48,6 минг гектар ер майдони мавжуд бўлган. Вилоятда шу йилда 2071 та юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиги фаолият юритган.

Деҳқон хўжаликлари вилоят қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин тутди. Шунинг билан олиб, диссертацияда деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожланиш истиқболлари чизиқли, логарифмик, полиминал, даражали ва экспоненциал функциялар кўринишидаги эконометрик моделлар тузиш орқали асосланди. Эконометрик моделлар ичидан статистик баҳолаш мезонлари қийматларини таққослаш йўли билан икки турдаги модель танлаб олинди. Танланган моделлардан фойдаланиб

¹²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида ҳисобланган.

Республика ҳамда Андижон вилояти деҳқон хўжаликлариде деҳқончилик ва чорвачилик фаолиятининг ривожланиш вариантлари прогнози амалга оширилди (2-жадвал).

2-жадвал

Андижон вилояти деҳқон хўжаликлариде қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши ривожланишининг прогноз вариантлари (минг тн.)¹³

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда (2016 й.)	Прогноз			
		2018 й.		2021 й.	
		I	II	I	II
Дон	95,1	96,4	103,2	100,9	119,1
Картошка	246,5	265,3	265,7	290,0	299,8
Сабзавот	987,0	1030,9	1047,6	1065,2	1157,4
Полиз	39,5	42,0	47,2	45,1	53,8
Мева	462,1	495,7	496,7	532,5	557,4
Узум	29,9	30,4	33,7	32,9	38,8
Гўшт (сўйилган вазнда)	127,9	135,7	144,7	152,4	172,3
Сут	856,2	896,0	1009,0	1020,6	1271,3
Тухум, млн. дона	436,5	644,9	693,8	850,5	942,8

Прогноз натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси, шунингдек Андижон вилояти деҳқон хўжаликлариде 2018-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда истеъмол қилишининг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолиш тенденцияси мавжуд. Ўсиш суръатлари асосан экинлар ҳосилдорлиги ҳамда такрорий экинлар экиш майдонлари кенгайиши ҳисобига юз беради. Прогноз қилинаётган даврда деҳқон хўжаликлариде гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам ижобий ўзгаришлар кутилади. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, энг аввало моллар бош сонининг кўпайиши ва уларнинг маҳсулдорлиги ошиши ҳисобига юз беради.

Таққослашларга кўра, Андижон вилояти бўйича бир гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонига ҳисоблаганда, деҳқон хўжалиги ихтиёридаги қора мол, қўй ва эчкиларнинг жойлашув зичлиги ошади. Қора моллар зичлиги 2016 йилда 3,8 бошдан 2018 йилда 4,3 бошга, 2021 йилда эса 4,9 бошга кўпайиши мумкин. Қўй ва эчкилар зичлиги мос равишда 4,9 бошдан (2016 й.) 5,6 (2018 йил) ва 6,4 (2021 йил) бошга ошиши кутилади. Бундай ижобий ўзгаришлар деҳқон хўжаликларининг вилоят чорвачилигидаги етакчилик роли истиқболда ҳам сақланиб қолишини кўрсатади.

Қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари оила аъзоларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уларнинг маълум бир қисмини уй шароитида қайта ишлаш билан боғлиқ фаолият ҳам олиб боришади. Шунинг ҳисобга олиб, диссертацияда Андижон вилояти Шаҳрихон туманига қарашли қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) ҳудудларида жойлашган уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти анкета сўровлари орқали ўрганилди.

¹³ Эконометрик моделлар асосида муаллиф томонидан олинган прогноз натижалари.

Анкета сўрови натижаларини умумлаштириш кўриб чиқиладиган гуруҳга киритилган уй хўжаликларига қишлоқ хўжалиги фаолиятдан ўртача 16,41 млн. сўм даромад олинган. Бунда ўртача битта оила аъзосига 2 млн. 880 минг сўмдан даромад тўғри келади. Ушбу кўрсаткич битта оиладаги ишловчига ҳисобланганда эса 5,86 млн. сўмга тенгдир. Битта оила аъзосига энг катта ҳажмдаги даромад кўриб чиқиладиган уй хўжаликлари ичидан Ж. Йўлчиев (5,08 млн. сўм) ҳамда О. Тожибоев (3,84 млн. сўм) оилаларига тўғри келади. Битта ишловчига ҳисоблаганда эса энг юқори даромад М. Мирзалиев (9,08 млн. сўм) ва юқорида номи келтирилган оилаларда олинган (3-жадвал).

3-жадвал

Андижон вилояти Шаҳрихон тумани уй хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлиги кўрсаткичлари (млн.сўм)¹⁴

Кўрсаткичлар номи	Абдубий ҚФЙ		Пахтаобод ҚФЙ		Гулистон ҚФЙ		Ўртача битта уй хўжалиги кўрсаткичи
	А.Бегимов	М.Мирзалиев	К.Ахмадалиев	О.Баратов	О.Тожибоев	Ж.Йўлчиев	
Оила аъзолари сони (киши)	6	8	7	4	5	4	6
шундан ишлайдиганлар	5	2	3	2	2	3	3
Томорқа ери (сотих)	12	15	15	20	6	12	13,33
шундан:экиладиган ер	6	10	4	15	2,5	6	7,25
Қорамоллар сони (бош)	1	2	1	2	1	4	2
Оила аъзолари даромади - жами	12,80	18,16	16,50	11,5	19,2	20,3	16,41
Дехқон хўжалиги даромади – жами, шундан:	5,80	6,20	2,55	5,10	2,01	2,95	4,1
маҳсулотлар сотишдан олинган даромад	4,34	3,25	1,70	3,10	0,45	2,0	2,47
Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари – жами	3,00	1,20	0,15	1,75	0,70	0,35	1,19
Соф фойда	1,34	2,05	1,55	1,35	-0,25	1,65	1,28
Битта оила аъзосига тўғри келадиган умумий даромад	2,13	2,27	2,36	2,88	3,84	5,08	2,88
Битта ишловчига тўғри келадиган даромад	2,56	9,08	5,5	5,75	9,6	6,77	5,86
Бир сотих экилган ерга тўғри келадиган даромад	0,97	0,62	0,64	0,72	0,80	0,49	0,57
Ишлаб чиқариш рентабеллиги, %	44,7	70,8	103	77	-35	471	107

Таққослашлар натижалари уй хўжаликларига деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қатор ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Энг аввало, уй хўжаликларига чорва

¹⁴ Анкета сўров маълумотлари асосида тузилган.

моллар бошини кўпайтиришга қўшимча кўмак бериш лозим. Бунинг учун уларга дон экинларидан бўшаган ерларга такрорий экинлар экишга қўшимча ер майдони ажратиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бир вақтда, уй хўжаликларига тадбиркорлар билан шартнома асосида озиқ-овқат, мева ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни кенгайтиришга кўмаклашиш самарали йўллардан биридир.

Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги қишлоқ фуқаролар йиғини хонадонларида ўтказилган анкета сўров натижалари уй хўжалигининг ривожланиш истиқболи қуйдагиларга боғлиқлигини кўрсатган: йирик зотдор қора моллар, қўйлар ва паррандалар сонини кўпайтириш (анкета сўрови ўтказилганларнинг 56,8 фоиз); ердан унумли фойдаланиш ва юқори сифатга эга экин уруғини экишни кенгайтириш (25 фоиз);

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш ва шу каби бошқа ишларни касаначилик йўли билан амалга ошириш (28 фоиз); озиқ-овқат ҳамда чорва озукаси экинлари учун қўшимча ер майдони ажратишни кенгайтириш (19,3 фоиз); эртаги ва кеч кузги экинлар экиш учун иссиқхоналар ташкил этиш (29,5 фоиз).

